

79-боб. Етимнинг одоби



16:05 / 28.02.2020 1866

Шумайса Атакийядан ривоят қилинади:

«Оиша розияллоху анҳонинг ҳузурларида етимга одоб бериш ҳақида гапирилди. Шунда у: «Мен (беодоб) етимни адабини егунча ураман», деди».

Демак, етим бола гапга кирмаса, одобсиз бўлса, уни уриб бўлса ҳам тарбиялаш керак экан, «Етимга тегмаслик керак, уни хафа қилмаслик керак», деган нотўғри тушунча билан унинг беодоб бўлиб кетишига, ёмон йўлларга кириб кетишига сабаб бўлиб қолмаслик лозим экан.

Кўпинча ёш болалар гапга тушунмай, ўз фойдасини билмай, ўйинқароқлик қилади, ана шу вақтда бу болалар етим бўлса, уларни ўз тарбиясига олган кафиллар қаттиқ туриб одоб бериши керак бўлади.

хулоса

Исломда етимпарварликка алоҳида эътибор берилганини ушбу санақли ҳадис ва ривоятлардан ҳам билиб олиш қийин эмас. Мусулмон уммати ўз тарихи давомида етимлар риоясини қойил қилиб ўринлатиб келгани ҳаммага маълум. Бунга жаҳон урушидан кейинги даврда халқимиз кўрсатган етимпарварликни мисол қилиш мумкин.

Етимлар Ислондаги каби ўзларига нисбатан олийжаноб муомалани кўрмаганлар. Етимларни кафолатга олиш ишини ҳаммадан кўра мусулмонлар қойиллатганлар. Бунга тарих, дўст ва душманлар ҳам шоҳид.

Ҳозирги кунларда ҳам Ислон оламининг турли тарафларида етимларнинг бошини силаб, уларга мурувват кўрсатадиганлар етарли даражада топилади. Бизда эса турли сабабларга кўра бу иш давлат тасарруфига ўтиб қолган эди.

Аммо биз бу ишни фақат давлат қилади, деган тушунчага бориб қолмаслигимиз керак. Ҳеч бир мўмин-мусулмон етимларнинг ҳаққини унутмаслиги лозим. Аста-секин бўлса ҳам, етимпарварликни ажодларимиз амалга оширганлари каби савияга олиб чиқишимиз керак.

Етимни қарамоғига олиш учун, албатта, фарзандсиз бўлиш шарт эмас. Балки, ўз болалари бор кишилар етимларни оилага қабул қилсалар ва ўз фарзандлари қатори, уларнинг бошини силасалар, уларга ҳам ўз фарзандлари каби меҳр кўрсатсалар, жуда яхши бўлади.

«Одоблар хазинаси» китобидан